O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

**Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси** ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2000 йил 8 ноябрь, чоршанба • №86 (11.271) • Эркин нархда сотилади

## ҲАМКОРЛИКНИНГ ИЛК ҚАДАМИ

*Қишлоқ хўжалигини кредитлаш халқаро конфедерацияси (КИКА)нинг ўттизинчи ассамблеяси Тошкентда ўтди.*

*– Бу ташкилот ўттиз олтита давлатнинг 165та банк ва молиявий ташкилотларини ўзида бирлаштирган. Мазкур ташкилотнинг асосий вазифаси қишлоқ хўжалиги кредит институтлари ва ташкилотларини халқаро миқёсда таништириш ва тақдим этишдан иборатдир, деди «Пахта банк» бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Ҳусан Жумаев «Туркистон-пресс» мухбири билан суҳбатда. – КИКА қишлоқ хўжалиги ва уни молиялаштириш соҳасида кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш мақсадида кредит масалалари билан шуғулланувчи мамлакатларнинг ҳукуматлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиб келади.*

*Шуни ҳам таъкидлаш керакки, конфедерация қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни техник ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакатлар ҳукуматлари ҳамда халқаро молия ташкилотларига муайян таъсир кўрсатиш салоҳиятига эгадир.*

*Бевосита анжуманнинг натижаси ҳақида гапирадиган бўлсак, шуни айтиш керакки, чет эл сармоядорлари етти ўлчаб бир марта кесадилар. Меҳмонлар икки кун давомида юртимиздаги банкларнинг иши билан танишдилар. Қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича юритилаётган сиёсатдан, микрокредитлардан қандай фойдаланилаётганлигидан хабардор бўлдилар.*

***«Туркистон-пресс».***

## САҲОВАТНИНГ «САҲОВАТИ»







Боғча ва мактабни ўзида мужассам этган бундай таълим маскани ҳозирча Бекободдагина эмас, вилоятда ҳам ягонадир. У ногирон болаларни тарбиялаш ва ҳунар ўргатишга мўлжалланган. Жанубий Кореянинг «Кладичек» халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси ва ҳомийлигида барпо этилган бу болалар муассасасининг номи ҳам ўзига мос қилиб қўйилган — «Саҳоват».

«Кладичек» халқаро хайрия жамғармаси вакили шундай масканни Бекободда очиш истагини билдирганда шаҳар ҳокимлиги уни қўллаб-қувватлади ва бунинг учун бино ҳам ажратди. Тезда 14-даҳадаги собиқ 11-болалар боғчасини янги масканга мослаштириш ишлари жадал бошлаб юборилди. Қисқа муддатда у тахт қилинди, бунинг учун шаҳар ҳокимлиги 12 миллион сўм маблағ сарфлади. Уни жиҳозлаш ишларини «Кладичек» жамғармаси амалга оширди. Бунинг учун 20 минг доллардан ортиқ сармоя ажратилди.

6 ноябрь куни бу ноёб боғча-мактабнинг очилишига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар Ўзбекистон билан Жанубий Корея республикаси ўртасида ҳар томонлама таркиб топган ҳамкорлик янада кенгайиб бораётганлигини таъкидладилар, янги муассаса ҳам шу дўстона алоқаларнинг меваси эканлигини қайд қилдилар.

— Шаҳарда ногирон болаларни тарбиялашга мўлжалланган шундай билим-ҳунар ўчоғи очишда қатнашганимиздан хурсандмиз, — деди ўз сўзида «Кладичек» жамғармасининг бош вакили Юн Тэ Ён. — Бу ишда бизни тўла қўллаб-қувватлаган ва барча ёрдамни кўрсатган шаҳар ҳокимлигига миннатдорчилигимизни изҳор қилишни истардик. Шу туфайли ҳам бу маскан қисқа муддатда қурилди. Келгусида уни янада кенгайтирамиз. Жамғармамиз унга зарур бўлган барча анжомларни етказиб беради.

— Менинг суюкли фарзандим Умиджон ҳам боғча-мактабга қабул қилинганидан беҳад хурсандман, — дейди Муқаддам Салимова. — У бу ерда ўқиш билан бирга муолажа олади, ҳунар ҳам ўрганади.

Боғча-мактабда 5 ёшдан 14 ёшгача бўлган ногирон ўғил-қизлар тарбияланади. Дастлабки вақтларда у ўз бағрига 60 нафар болаларни олади. Келгусида ўринлар сонини юзтага етказиш назарда тутиляпти. Ҳозир унда ўқитиш, ҳунар ўргатиш қатори физиотерапия, уқалаш, логофет муолажалари ҳам қўлланиляпти. Бунинг учун зарур тиббий анжомлар бор.

Боғча-мактабнинг очилишида қатнашган қатор жамғармалар, хусусан, «Соғлом авлод учун» жамғармаси шаҳар бўлими 60 нафар болага ўқув қуроллари, Қизил ярим ой жамғармаси эса иссиқ кийим-бош тарқатдилар.

**СУРАТЛАРДА: «Кладичек» халқаро жамғармаси бош вакили Юн Тэ Ён боғча-мактабни очиқ деб эълон қилмоқда; унинг мудираси Ҳуршида Пўлатова болалар билан машғулот пайтида.**

***Даврон АҲМАД олган суратлар.***

## ҲАРБИЙ АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ҳарбий ҳамкорлик дастурини амалиётга тадбиқ этиш доирасида Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қ. Ғуломов АҚШга амалий ташриф буюрди.

Бўлиб ўтган учрашув ва музокаралар чоғида Америка томони республика ҳаётидаги янгиланишларга, жумладан, ҳарбий соҳада амалга оширилаётганислоҳотларга катта қизиқиш билдирди. Ўзбекистон бугун Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни таъминлашда асосий рол ўйнаши алоҳида таъкидланди.

Пентагонда ўтказилган учрашув маросимининг расмий қисмидан сўнг Қ. Ғуломовнинг АҚШ мудофаа вазири У. Коэн билан музокаралари бўлиб ўтди. Унда икки томонлама ҳамкорлик тараққиётининг истиқболлари муҳокама этилди, шунингдек, Марказий Осиё ва бошқа минтақалардаги бугунги вазият тўғрисида фикрлар алмашилди.

АҚШ мудофаа вазири мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд муносабатларга юқори баҳо берди ва ана шу алоқаларнинг бундан кейин ҳам изчил ривожланишига ишонч билдирди.

Музокаралар якунида ҳарбий-сиёсий соҳадаги ҳамкорликни келажакда янада ривожлантиришга қаратилган келишув имзоланди. Ҳамкорликдаги ҳаракатлар дастури халқаро терроризм ва наркотик моддалар, оммавий қирғин қуроллари савдоси ва уларни тарқатиш каби ҳолатларга қарши курашувчи Ўзбекистоннинг алоҳида ҳарбий таркибларини мустаҳкамлашга йўналтирилган.

Ташриф чоғида Ўзбекистон делегацияси аъзолари АҚШнинг ҳарбий қурилиш соҳасидаги тажрибалари, кадрлар тайёрлашдаги ўзига хос томонлар билан танишиб, ўқув марказлари ҳамда ҳарбий полигонларда бўлишди.

***Б. МАМАЖОНОВ, «Жаҳон» АА, Нью-Йорк.***

## ВИЛОЯТ ҳаёти

### ФРАНЦИЯДАН БУЮРТМА КЕЛДИ

Юқоричирчиқ туманидаги «Ўзбекистон» пахта заводи Швейцариянинг «Теленкор» фирмасидан 814 тонна толага буюртма олган эди. Яқинда 250 тонна дастлабки тола буюртмачига жўнатилди.

Шунингдек, заводга Франциядан ҳам буюртма келди. Корхона жамоаси яқин кунларда ушбу буюртмани ҳам бажаришга киришади.

***Иноғом ХОЛТУРСУНОВ.***

### ТУРФА МАВЗУДАГИ СУҲБАТЛАР

**Бўстонлиқ тумани хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ҳудуддаги мавжуд 72 маҳаллада ҳуқуқий масалаларда, турли мавзудаги давра суҳбатлари ўтказилди.**

**Бундан кўзда тутилган асосий мақсад аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, бугунги кунда олиб борилаётган сиёсатнинг асл моҳиятини англашга интилишларини кучайтириш эди.**

**Маълум маънода кўзланган мақсадга эришиляпти. Қолаверса, халқнинг ўзи бундай давра суҳбатларини кўплаб уюштиришни талаб қилмоқда.**

***Равшан ЁҚУБЖОНОВ.***

### СОҒЛОМ ЮРТНИНГ СОҒЛОМ ФАРЗАНДЛАРИ

Юқоричирчиқ туманининг Султонработ қишлоғидаги кутубхонада «Соғлом юртнинг соғлом фарзандлари» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда Оқовул қишлоғи ва Султонработ маҳалласи, Янгибозор марказий кутубхонаси вакиллари, 10-ўрта мактабнинг ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этишди.

Туман «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбари Бахтиёр Раҳимов, Султонработ маҳалла қўмитаси раиси Ҳидоят Иноятов, кутубхоначи Гулбарчин Кенжабековалар мамлакатимизда ёш авлодга катта эътибор ва ғамхўрликлар кўрсатилаётганлиги ҳақида тўлқинланиб гапирдилар. 10-мактаб ўқувчилари эса дилрабо қўшиқ ва рақслар ижро этишди.

***Латифжон МАНСУРОВ.***

### НАМУНАЛИ ҚАЙНОНА

**Пскент тумани хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ҳудудда мавжуд маҳаллалардаги ибратли қайноналар иштирокида «Энг намунали қайнона» деб номланган кўрик-танлов ўтказилди. Унда маҳаллалардан саралаб олинган бир қанча онахонлар иштирок этдилар. Танловнинг ғолибаси Мўминобод маҳалласида истиқомат қилувчи Раъно ая Абдураҳмонова деб топилди ва унга вилоят миқёсида ўтказиладиган кўрик-танловга йўлланма берилди.**

***Нилуфар МАЖИДОВА.***

*Ғалаба рапорти изидан*



## ЮТУҚЛАР МОҲИЯТИ

### Бўка тумани деҳқонлари салкам 40 минг тонна пахта топшириб, режаларини бажардилар, ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга сотилди

Бу туман номи тилга олинганда фидойи, дилкаш, очиқ кўнгил, эл-юрт иши учун меҳнат қилиб толмайдиган инсонлар кўз ўнгингизда намоён бўлади. Улар, айниқса, пахтачиликда узоқ йиллар давомида туман довруғини таратиб, карвонбошиликни қўлдан бермаганлар. Лекин нима бўлди-ю, кейинги тўрт-беш йил давомида бу тармоқдаги ишлар бир қадар юришмай қолди.

Тўғри, ўтган йили улар режани бир амаллаб уддалагандек бўлдилар. Лекин бундан ўзларининг кўнгли тўлмади. Вилоят пахтачилигида салмоқли ўринни эгаллайдиган туманда бундай аҳволнинг ортиқ давом этиши мумкин эмасди. Шунинг учун ҳам мутасаддилар отни кечувда бўлса ҳам алмаштиришни лозим топдилар. Шу йилнинг май ойида Пскент туманида бир неча йиллардан буён ҳокимлик қилиб келаётган, раҳбарликда, ташкилотчиликда, одамлар билан ишлашда бирмунча тажриба орттирган Жўра Миролимов Бўка туманига ҳоким этиб тайинланди. Раҳбарликнинг бошқа тизимларида ҳам айрим ўзгаришлар бўлди.

Янги раҳбарият ишни тартиб-интизомни мустаҳкамлашдан бошлади. Интизом ҳамма учун баробар эканлиги қатъий айтилди. Муҳими – қолоқ ҳисоблаб келинган, руҳи анча тушиб кетган хўжаликларга эътибор кучайтирилди, уларнинг ишини ташкиллаштириш учун амалий ёрдам берила бошланди.

Қисқаси, халқ хўжалигини чинакамига юксалтириш, қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштиришга дахлдор ва масъул бўлган ҳар бир раҳбар сергак тортиб, меҳнат қилди. Қадамини билиб боса бошлади. Оқибатда деҳқончиликдаги ишлар, белгиланган тадбир ва чоралар ўз вақтида амалга оширилиб, натижалар шундоққина кўзга ташланди. Буни ғаллачиликда эришган ютуқлар билан ҳам изоҳласа бўлади. Ҳокимлик ғаллакорларнинг талаб ва истакларини диққат билан ўрганди. Энг аввало, ўрим-йиғим техникасини шай қилиб бериш ва бекаму-кўст ишлашини таъминлаш учун имкониятларни ишга солди. Шу туфайли ҳам бу иш ғоят қисқа муддатда бажарилди ва туман тарихи-

***(Давоми 2-бетда).***

## ОҚҚЎРҒОННИНГ ОППОҚ ДАЛАЛАРИ

### Туман меҳнаткашлари давлатга 39 минг 500 тонна ўрнига 40 минг тонна пахта топшириб, шартнома режасини ортиғи билан адо этдилар

2000 йил оққўрғонликлар учун том маънода пахта йили бўлди. Беистисно, барча хўжаликларда мўл ҳосил етиштирилди. Асосан, кўп йиллардан бери синалган, туман шароитига мос ва агротехникаси пухта ўрганилган «С-6524» ҳамда 2000 гектар атрофида майдонга «Фарғона-3» нави экилгани боис деҳқонлар айтган ҳосилларини олдилар.

Тўғри, бунга осонликча эришилгани йўқ. Айни чигит экиладиган кезларда ёғингарчилик бўлмади, тупроқнинг нами меъёрдагидан камайиб кетди. Раҳбар ва мутахассислар бироз кутишга қарор қилдилар. Лекин, афсуски, онда-сонда бўлган арзимас ёмғир ҳам Оққўрғонни четлаб ўтиб, қўшни туманларга ёғди. Натижада, экишга кечроқ киришилди ва ҳамма майдонларда чигитни сув бериб, ундириб олишга тўғри келди. Деҳқонлар яхши билишадики, бундай пайтда чигит олдинма-кейин униб чиқиб, кўчатлар баланд-паст бўлиб қолади. Уларни тенглаштириб олиш ва ҳосилнинг баравар пишиб етилишини таъминлаш учун деҳқонга қўшимча тадбирлар кўриш, хуллас ортиқча уринишга тўғри келади.

Оққўрғоннинг ориятли раҳбарларию деҳқонлари туман шаъни учун қийинчиликларга бардош бердилар, далаларда мўлжалланган даражада ҳосил тўпланиши учун ҳаловатдан кечиб меҳнат қилдилар. Туман ҳокими бошлиқ махсус штаб тузилиб, ҳар бир картадаги ғўзанинг аҳволига қараб, маслаҳат билан қўшимча агротехник тадбирлар қўлланилди. Таъбир жоиз бўлса, кечасилари кенгашилди, кундузлари эса маслаҳатлашилган ишлар маромига етказиб бажарилди.

Шундай қилмаса бўлмасди ҳам. Қўшниларнинг ғўзаси бир қаричдан ошганда, бу ерда эндигина тўрт энлик бўлганди. Бу эса оққўрғонлик раҳбару деҳқонлар шаънига тинимсиз таъна-дашномлар ёғилишига сабаб бўлди. Ҳатто, айримлар «бу йил Оққўрғон пахта режасини барбод қилади» дея ҳукм ҳам чиқариб қўйишди. Туман раҳбарлари режанинг сўзсиз бажарилишини тасдиқловчи аниқ, ҳисоб-китобли далиллар билан юқори лавозимли раҳбарларни хотиржам қилмоқчи бўлишди. Аммо, бунга ишонишдан кўра ишонмаслик ҳоллари кўп бўлди.

***(Давоми 2-бетда).***

*Обуна — 2001*

## ЎЗ ГАЗЕТАНГИЗГА ЁЗИЛДИНГИЗМИ?

### «Янгийўл ёғ-мой» ҳиссадорлик жамияти даврий нашрлар обунаси учун 1 миллион 800 минг сўм маблағ ажратди



Айни кунларда вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида 2001-йилга обуна қилиш ишлари қизғин давом этмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, биргина Бўка туманида бугунги кунгача 200дан зиёд киши «Тошкент ҳақиқати» газетасига обуна бўлишди. Зангиота, Паркент ва оққўрғонлик муштарийларимиз сони ҳам ортиб бормоқда.

Бизга Янгийўл шаҳридан хабар қилишларича, обуна ишлари режадагидек давом эттирилмоқда. Жумладан, «Янгийўл ёғ-мой» ҳиссадорлик жамияти «Халқ сўзи», «Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда», «Маърифат» ҳамда «Янгийўл» газеталари обунаси учун 1 миллион 800 минг сўм маблағ ажратганликлари таҳсинга сазовор. Янгийўл шаҳар газ идораси, шаҳар марказий шифохонаси, «Янгийўл бозори» ҳиссадорлик жамияти, шаҳар халқ таълими бўлими мутасаддиларининг бу борадаги саъй-ҳаракатлари ҳам бизни ғоятда мамнун этди.

Шу ўринда даврий матбуот нашрларининг ҳар бир ташкилотга, ҳар бир хонадонга мунтазам кириб бориши учун жойлардаги хўжалик, ташкилот ва муассасалар бошлиқлари, шаҳар ва туманлардаги шу соҳага мутасадди кишиларнинг ишбилармонлиги, ташкилотчилигига боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтгимиз келади. Қаердаки бу долзарб масалага жиддий ёндошиб, жойларда одамларга тушунтириш ишлари тўғри олиб борилса, ўша ерда асосий мақсадга эришиш ҳам осон кўчади.

Тўғри, газетага обуна бўлиш ҳар кимнинг шахсий иши. Аммо, янги асрнинг биринчи кунида газета кириб бормаган хонадон соҳиби ёки хўжалик, ташкилот ва муассасалар мутасаддилари кўп нарсаларни йўқотадилар, деб ўйлаймиз.

Вақтни бой берманг! Обунани қанчалик тез расмийлаштирсангиз, ютуқ сизники бўлади.

«Тошкент ҳақиқати» газетасига ўз вақтида ёзилсангиз, у хонадонингизга мунтазам равишда етказиб берилади.

***Шавкат ҚУЛИБОЕВ, таҳририят Хатлар ва оммавий ишлар бўлими мудири.***

***«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»нинг нашр кўрсаткичини эслатиб ўтамиз — 205***

*Суд залида*

## ТЕРРОРЧИНИНГ ГЎЛОҲИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий судида 12 нафар айбланувчи устидан давом этаётган суд жараёнида илгари судланган ва ҳозир жазо муддатини ўтаётганларнинг гувоҳлик кўрсатмалари бериши давом эттирилди.**

«Ўзбекистон исломий ҳаракати» деб аталмиш террорчилар уюшмасининг раҳбарларидан бири — Тоҳир Йўлдошевнинг «ташқи ишлар вазири» ҳисобланган Зайниддин Асқаров ўз кўрсатмаларида Тожикистон ва Афғонистонда яширинган жиноятчилар хориждаги ҳомийларидан катта миқдордаги пул маблағлари, қурол-яроғ олиб турганини ва бевосита халқаро террорчи Усома бин Лоден билан боғлиқлигини маълум қилди. Т.Йўлдошев, Ж.Ҳожиев хорижий мамлакатлардаги турли фундаменталистик исломий ҳаракатларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи махфий ташкилотга аъзо бўлиб, мазкур марказ раҳбарларидан 1998 йилда Ўзбекистонда «жиҳодни бошлашга» «фатво олгани» ислом экстремизмининг муайян бошқарув маркази мавжудлигидан далолат беради.

З.Асқаровнинг айтишича, ўзини «демократик мухолифат раҳбари» деб жар солиб, хориждаги турли ташкилот ва ҳомийларни лаққиллатиб пулини олиб юрган Салой Мадаминов (Муҳаммад Солиҳ) аслида Тоҳир Йўлдошевнинг югурдагига айланиб қолган. Бундай товламачиликлари учун Т.Йўлдошев уни ҳатто жазолаган ҳам, яъни маълум муддат ўчоққа ўт ёқувчи — гўлоҳ қилиб қўйган. Умуман, мазкур жиноий гуруҳ раҳбарлари ўртасида ҳокимият ва обрў талашиш авж олган бўлиб, бу йўлда улар ҳар қандай қабиҳликлардан ҳам тоймаганлар.

Шунингдек, гувоҳ Т.Йўлдошев, Ж.Ҳожиев ва С.Мадаминов Ўзбекистонда ҳокимиятни эгаллаш борасида узоқ муддатли режалар тузгани, Тошкентдаги февраль воқеаларидан кўзланган мақсад амалга ошмагач, террорчилик ҳаракатларини олиб бориш услуби ўзгартирилгани, Боткен, Сурхондарё, Янгиобод ва Бўстонлиқдаги воқеалар бунинг натижаси эканини айтди.

Андижонлик тижоратчи Рустам Маматқулов Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида Ўзбекистондан келганларни «Тоҳир Йўлдошевнинг ҳузурига жўнатувчи марказ» ташкил қилган. У Т.Йўлдошев билан Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари ва Эронда учрашиб, катта миқдорда пул олган ва бу маблағни Ўзбекистондан қочган жиноятчиларни яшириш, қалбаки ҳужжатлар тайёрлашга сарфлаган. 16 февраль портлашларининг бевосита ижрочилари айнан Р.Маматқулов ёрдамида хорижга кўчирилгани ва улар Т.Йўлдошевга бевосита алоқадорлиги ҳам суд мажлисида маълум бўлди.

З.Асқаров ва Р.Маматқулов Туркияда Интерпол томонидан қўлга олиниб, Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига топширилган.

Суд жараёни давом этмоқда.

***(ЎзА).***

# ЮТУҚЛАР МОҲИЯТИ



*(Давоми. Боши 1-бетда).*

да биринчи марта 30 минг тонна ғалла сотилди.

Ширкат усулининг афзаллиги яна бир бор исботланди. Айрим пудратчи деҳқонлар шартнома шартларига қатъий амал қилинганлиги учун ўз шахсий омборларига 10 тоннагача етказиб ғалла тўкдилар. Бу руҳлантирувчи куч бўлди. Айни пайтда пахтакорлик асосий касби бўлган деҳқонлар бу тармоқда ҳам баракали меҳнат қила бошладилар. Ҳаммасига рағбат, манфаат, асосий калит ва омил бўлди. Пахта далаларида агротехника тадбирлари ўз вақтида ва маромида ўтказилганлиги учун ҳосил мўл, аввалги йиллардагига қараганда бирмунча эрта пишиб етилди. Даладагиси эмас, хирмондагиси ҳисоб эканлигини қатъий ҳисобга олган раҳбарият кунлик теримни ташкил этишга ягича ёндошди. Ҳар кунги қилинган ишлар, эришилган натижалар, ташкилий, оммавий чора-тадбирларнинг самараси таҳлил қилиб борилди. Бу ўз-ўзидан умумий сафарбарликнинг ҳар қачонгидан кўра жонланишига асосий омил бўлди. Йиғим-терим суръати кун сайин кучайиб борди, авжи долзарб паллада йиллик режанинг тўрт фоизидан ошириб пахта тайёрланди.

Сир эмас, шундай пайтлар ҳам бўлганки, режани бажарганлар «бўлди, энди, чарчадик, буёғига терган билан фойда кам» каби кайфиятга берилиб, суръат бирданига тушиб кетарди. Ёки иккинчи бир ҳолат: айрим хўжаликлар режани 90-95 фоизга етказишгач, уёғига аравани тортиш қийинлашиб қолган. Бунинг иккита сабаби бўлган. Аввало, деҳқон манфаат кўрмай қолган, оқибатда ўйлаб қўйган режаси, нияти амалга ошишидан умидини узган. Қўлини ювиб қўлтиққа урган. Натижада пахтазорда қишлоқ аҳлидан кўра четдан келганлар, ҳашарчиларнинг ишлаши, пахта териши одат бўлган. Шунга суяниб, ўрганиб қолганлар ҳам. Ерни экишга тайёрлаб, уруғ қадаб, не-не машаққатлар билан ҳосил етиштирган деҳқонки, жон койитмагач, бошқаларнинг шунчаки хўжакўрсин учун ишлаши турган гап эди.

Буни ҳисобга олган ҳокимлик дастлабки кунданоқ шундай шиорни ўртага ташлади. «Катта машаққат ва меҳнатлар эвазига етиштирилган ҳосил даладан тўла-тўкис териб олинишига қараб хўжалик, деҳқоннинг ишига баҳо берилади. Бу ерда гап халқ хўжалиги учун ғоят қимматбаҳо хом ашё ҳисобланган бойлигимиз – пахтанинг ерда қолиб кетмаслиги ҳақида бораяпти!

Мавсумда ҳар бир деҳқон, ҳар бир раҳбарлар бу талабга қатъий амал қилди. Шу туфайли хўжалик режани бажарган тақдирда ҳам суръат тушиб кетмади.

Яна бир гап. Тумандаги йигирмага яқин деҳқон ва фермер хўжаликлари зиммасига йиллик режадаги пахтанинг 5 минг тоннасини етказиб бериш вазифаси юклатилган. Амалда эса фермерларнинг айримлари режани бажаришга панжа орасидан қараб келганлар. Уларнинг мушугини ҳеч ким пишт демаган. Ҳа, энди, йиғим-терим, пахта топшириш яқинлашиб келаверсин-чи, бир амаллармиз, деган кайфиятда юрганлар. Нима демоқчи эканлигимизни тушунгандирсиз! Лекин янги ҳокимлик уларнинг қинғир ишларига тузоқ қўйди, буни дастлабки кунданоқ ҳис қилган фермерлар пахта етиштиришдек ғоят муҳим ишга бутунлай янгича муносабатда бўла бошладилар.

Ҳар бир хўжаликда ишлар шу таҳлитда жонланди. Машина теримини ташкил этишда ҳам бор имкониятлардан фойдаланилди. Буларнинг ҳаммаси бу йилги анча мураккаб шароитда бўкаликларнинг вилоятда учинчи бўлиб режаларини бажариш учун асос бўлди.

Шулар ҳақида ўйларканмиз, Президентимиз катта йиғилишларда «раҳбарга кўп нарса боғлиқ», деб қайта-қайта бежиз айтмасликларига яна бир бор амин бўлдик.

Туманда биринчилардан бўлиб режани бажарган Ғаффор Азаматов номли жамоа хўжалиги раиси Омон Амиров шундай дейди:

– Деҳқон меҳнатига яраша манфаат, рағбат кўрди. Ширкат усули пахтачиликда ҳам ғоятда қўл келадиган усул эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Шу туфайли салкам минг гектар пахта майдонидан ҳозирги кунгача 2680 тоннадан ортиқ пахта топширилиб, режани 115 фоиздан ошириб бажардик.

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Абдусамад Носиров билан суҳбатлашиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни тугаллаш ва 2001 йил ҳосили учун агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг ижроси ҳақида сўрадик.

– Режани бажарган бўлсак ҳам йиғим-терим қизғин давом этяпти, – дейди у. – Режага қўшимча иложи борича кўпроқ пахта топшириш учун ҳаракат қиламиз. Айни вақтда қарор бизни хушёрликка даъват этди. Эътибор берган бўлсангиз, унда пахта қуритиш жойларини тайёрлаш, кўрак чувиш машиналари таъмирланиши ва тайёрлаб қўшилишига ҳам алоҳида урғу берилган. Бу бежиз эмас. Кўп хўжаликларда қуритиш жойлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган, кўрак чувиш машиналари ишдан чиқиб қолган эди. Бу бизнинг нуқсонимиз, камчилигимиз!

Октябрнинг ўрталарида об-ҳаво ноқулай келганда буни яққол ҳис қилдик. Шунинг учун келгусида бу камчиликнинг олди олинади. Хуллас қарор биз учун зарур йўлланма бўлди.

Ҳа, бўкалик деҳқонлар бир мунча мураккаб келган йилда ўзларини нимага қодир эканликларини исботладилар. Биз юқорида бу муваффақиятлар моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилдик. Олдинда яна катта вазифалар турибди.

***Носир РИХСИЕВ,***
***«Тошкент ҳақиқати» мухбири.***





**Суратларда: туманда биринчилардан бўлиб режани бажарган Ғаффор Азаматов номли ширкат хўжалиги чевар теримчилари (юқорида чапдан) Муҳайё Исоқулова ва Улуғой Умрзоқова ҳозирги кунга қадар хирмонга икки-уч тоннадан пахта тўкдилар. Пахта хом-ашёсини ўз вақтида қабул қилиб олиш ва қайта ишлашда Бўка пахта тозалаш ҳиссадорлик корхонаси ишчилари жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.**

***Даврон АҲМАД олган суратлар.***

# ОҚҚЎРҒОННИНГ ОППОҚ ДАЛАЛАРИ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Ҳайрият, энди ана шу ҳам жисмоний, ҳам маънавий оғир кунлар ортда қолди. Оққўрғонликлар ўзларининг ҳақ эканликларини амалда исботлашди, юзлари ёруғ бўлди. Жўжани кузда санашнинг маъноси шу-да!

Дарвоқе, биз бу гапларни туман раҳбарларидан эшитиб айтаётганимиз йўқ. Касбимиз тақозоси билан ёз бўйи қайта-қайта туманларда, хўжаликларда бўламиз, катта-кичик йиғинларда қатнашамиз. Яъни кўп гапларнинг бевосита гувоҳи бўламиз.

Мана энди туман пахтакорлари шаънига ҳар қанча олқишлар айтса арзийди. Аммо, биз бу ўринда деҳқонларнинг ғўзани серҳосил қилиб ўстириш учун қандай



агротехник тадбирларни қўллаганликлари ҳақида «баланд парда»ларда ҳикоя қилиб ўтирмоқчи эмасмиз. Зотан, бу нарсани кўпчилик деҳқонлар шундоқ ҳам яхши билишади. Бунинг ўрнига пахтачиликда эришилган асосий рақам ва далилларни келтирмоқчимизки, оққўрғонликларнинг бу йилги меҳнатларига тўғри ва холис баҳо бериш учун шунинг ўзи кифоя қилади.

Бу йил биринчи теримнинг ўзидаёқ режа 75 фоиздан ошди. Бундай имконият ҳамма туманларда ҳам яратилавермайди. Табиийки, ана шу пахтанинг ҳаммаси биринчи навга сотилди. Умуман, шу кунгача тайёрланган жами пахтанинг 95 фоиздан зиёдроғи юқори навларга топширилди. Натижада умумий даромад 2 миллиард 110 миллион сўмдан ошди. Соф даромад ҳам шунга яраша бўлади, албатта.

Туманнинг 40 минг тонналик пахта хирмонига катта карвон хўжаликлар, айниқса, баракли ҳисса қўшдилар. Чунончи, С. Сегизбоев номли хўжалик 6100, «Оққўрғон» – 5820, «Гулистон» – 2900, «Ўзбекистон» – 2890, «Маданият» – 2420, «Қаҳрамон» – 2410 тонна хом ашё тўкди. 318та фермер хўжалиги ҳам режадаги 7085 тонна ўрнига 7200 тонна пахта териб топширди. Бу хўжаликлар яна камида 800 тонна ҳосил йиғиштириб олиш мақсадида теримни давом эттирмоқда.

Режани барвақт бажариб қўйган қирққа яқин бригадада ҳосилдорлик 35-40 центнерга етди. 4690та оилавий пудратчидан 3900 нафари режани анча ортиғи билан бажарди.

Туманда машина теримига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, 9500 тонна ёки 24 фоиз ҳосил «Кейс»ларда териб олинди. Бу вилоят бўйича иккинчи кўрсаткичдир.

Қўл терими оқилона уюштирилди. Бўстонлиқ ва Тошкент туманларидан 10 мингга яқин ҳашарчи фаол қатнашди. 12 мингдан зиёд маҳаллий аҳоли ҳам теримга сафарбар этилди. Уларга ҳар беш кунликда кандa қилмай, нақд пул билан ҳақ тўлаб борилди. Мавсум бошидан буён теримчиларга тарқатилган маблағ 450 миллион сўмдан ошди.

Режа уддаланди. Аммо терим суръати сусайгани йўқ. Ҳосил эса етарли, ҳали иккинчи теримга тушилмаган майдонлар кўп.

Режа уддаланишидан бир кун олдин туманда бўлдик. Ҳоким – Абдуғани Деҳқонбоевни «Озод» хўжалигида жойлашган штабда ёлғиз учратдик, мақсадимизни маълум қилдик.

– Менинг гапириб берганим бошқа, ўз кўзларингиз билан кўрганингиз бошқа, – деди ҳоким ва бизни машинага таклиф этди. Демак, иш пухта, мухбирдан яширадиган жойи йўқ. Туман хўжаликларини бир бошдан айланишга киришдик.

Қўшни хўжалик картасида пахта тераётган «Кейс» тўхтаб қолипти. Уч-тўрт одам ғилдирагини нимадир қилишяпти. Дами бўшаб қолган экан. Фурсатдан фойдаланиб, ҳоким комбинизон кийган оператор йигитни гапга солди:

– Терган тоннангизга ҳақингизни олиб турибсизми?

– Тоннасигамас, гектарига тўлашади.

– Бу – МТПдан оладиган ҳақингиз. Мен хўжалик ҳар куни берадиган пулни сўраяпман.

Хўжалик механиги бўлса керак, оператор ўрнига жавоб берди:

– Тоннасига уч минг сўмдан кундагисини кунда бериб турибмиз. Бу киши кеча 5 минг сўм олди.

– Нима овқат қилиб беришяпти?

– Бугун макарон шўрва ичдик.

Ҳоким механикни койиган бўлди:

– Кунингларга яраб турган операторларнинг совуғини оширмай, дурустроқ, қуюқ овқат тайёрланглар...

Навбатдаги хўжалик даласида бир гуруҳ қарияларга дуч келдик. Этак боғлаб, баҳоли қудрат пахта теришяпти. Уларни ҳеч ким мажбур қилмаган. Ташаббус ўзларидан. «15-20 килодан бўлса ҳам ҳарна ёрдам-да», дейишади. Тумандаги умумий сафарбарлик қарияларни ҳам бефарқ қолдирмапти. Аслида буларнинг териб берган пахталари эмас, ибратлари муҳим. Уларни кўрган ёшларнинг астойдил ҳаракат қилишлари шубҳасиз.

«Ўзбекистон» хўжалигида ҳашарчилар билан суҳбатлашдик. Тарозибоннинг дафтарига кўз ташладик. Олди одам 25 килограммгача терипти. Соатга қараймиз – ўн бир. Ҳа, кечгача камида 40 килодан бўлади. «Элликни айтаверинг», дейди тарозибон.

Шу пайт хўжалик раиси келиб қолди. Эргаш ота Ниёзовнинг ташкилотчилик қобилиятига таъриф йўқ.

– Штабда бўлиб ўтган кечаги гаплардан сўнг эрта тонгданоқ ҳар бир пудратчи оилага кириб чиқдим, – деди раис ҳокимга ҳисобот бергандек. – Бугун камида 50 тонна топширмасак бўлмаслигини тушунтирдим. Энди далаларни айланиб, теримчиларни руҳлантириб юрибман. Туманимиз-ку, режадан чиқаяпти, вилоятимиз ҳам тезроқ тўлдирса деймиз-да.

Абдуғани ака раисга миннатдорчилик билдирди. Эргаш ота қўшни картага ўтиб кетди.



– Қаранг, режани 130 фоиздан оширишди, – дейди ҳоким. – Шундаям тинчишмайди...

Гапни мухтасар қилсак, дала айланар эканмиз, тумандаги ташкилотчилик, уюшқоқлик, сафарбарликдан кўра бошқа бир манзара бизни ҳаяжонга солди. Қайси далага кўз ташламанг – оппоқ. Йўқ, булар ерга тўкилган ёки, чаноқда яккам-дуккам осилиб, кўзни алдайдиган пахталар эмас. Лўппи-лўппи бутун чаноқлар. Ҳамма хўжаликларда ҳам кўплаб шундай далаларни кузатдик. Туманда ҳосил чинданам битган экан.

– Ҳали қўл урилмаган далаларимиз ҳам бор десам, ишонасизми? – деди ҳоким кулиб ва ўша ерга олиб борди. Етиб бормасимизданоқ оппоқ бўлиб, кўзни қувонтириб турибди. Ўн-ўн беш метр ичкари юриб, беш-олти туп ўртача ғўзани танлаб, ҳосилини чамаладик. Очилган-очилмаган кўсаклар 30тадан 50тагача. Тахминан олтмиш фоиз кўсак лўппи очилиб, теримга келган. Қолганлари ҳам кўз ёраяпти. Нари борса, бир ҳафтадан сўнг машина солинса, бункер-бункер пахта чиқади.

– Бу майдонга ғалла ўриб олингандан сўнг 20 июнда чигит экилган, – изоҳ беради ҳоким. – Йўқ, бу билан мен чигитни шошилмай экса ҳам бўлаверади демоқчи эмасман. Шунчаки, имкон борида синаб, тажрибадан ўтказиб қўйдик-да. Жала ва селлар туфайли бузиб, қайта экишлар кўп бўлган-ку, ахир. Шундай пайтларда тажрибадан ўтган усул асқотади, албатта.

Кўпгина далаларда кўрак тераётган машиналарни ҳам кўрдик. Бу карталарга эртаиндин ҳайдов тракторлари солинади. Дарвоқе, шу ўринда Эргаш отанинг бояги айтган гапи ёдга тушди: «Мана бу оппоқ далаларни қаранг, оқ денгиздай чайқалади-я. Режамиз 130дан ошди-ку, бўлди-да, деб трактор солсак, уволига қолмаймизми ахир. Энг уволи – деҳқоннинг меҳнати».

Ҳокимни ҳам айнан шу нарса ташвишга солаяпти. Балки бунинг иложини қилса бўлар. Масалан, ҳосили тугаб қолган бошқа айрим тумандардаги ишчи кучларининг бир қисми Оққўрғон далаларига ташланса, бор ҳосил бир ҳафта-ўн кун ичида йиғиштириб олинса, вилоятнинг хирмонига ҳам барака кирарди. Ҳар ҳолда бу бизнинг шахсий фикримиз, шунчаки истак холос. Аслида нима қилиш кераклигини тегишли мутасадди раҳбарларнинг ўзлари яхши билишади.

Дала айланар эканмиз, айрим карталар ғўзапоядан тозаланаётганини кўрдик. Демак бу йилги ҳосилни тезроқ саранжомлаб олишдан ташқари, келаси йил ҳосили учун замин яратишга ҳам киришилибди. Бу яхшиликдан дарак. Пухта деҳқон шундай иш тутади.

***Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,***
***«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.***

**Суратларда: фермер Нурали Белгибоев (ўртада) иш юритувчи Камол Худойбердиев ва теримчи Ажар Имашева билан маслаҳатлашмоқда; «Қаҳрамон» жамоа хўжалиги илғор теримчиси Зуҳра Абдураҳимова мавсумда 5 тонна пахта терди.**

# ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Пойтахтимизнинг «Шератон» меҳмонхонасида «Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция: уни амалга ошириш, мониторинг ўтказиш ва сарҳисоб қилиш» мавзуида икки кунлик халқаро анжуман бўлиб ўтди. Республика хотин-қизлар Қўмитаси ҳамда БМТнинг хотин-қизлар ривожланиш жамғармаси (ЮНИФЕМ) томонидан уюштирилган ушбу анжуманда вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоатчилик ташкилотлари вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), мамлакатимиздаги нодавлат хотин-қизлар ташкилотлари етакчилари, БМТнинг ушбу Конвенция ижросини назорат қилиш бўйича қўмита экспертлари, халқаро ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

***З.УСМОНОВА,***
***ЎзА мухбири.***

*Экология ва саломатлик*

# ТАДБИРЛАР ҚОҒОЗДА ҚОЛМАСИН

**Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, диёримизда тўпланиб қолган экологик муаммоларни ҳал қилишга эътибор кучайди. Чунки, жамиятимизда соғлом турмуш тарзининг қарор топиши кўп жиҳатдан атроф-муҳитнинг мусаффолигига ҳам боғлиқ. Шунинг учун, табиатни ва унинг бойликларини муҳофаза қилиш бўйича қатор қонунлар қабул қилинди. Республикамиз ҳукуматининг экологик муаммоларни ҳал қилиш мақсадида 2005 йилгача бўлган даврда атроф-муҳит муҳофазаси бўйича миллий дастури ишлаб чиқилди. Шу асосда вилоят бўйича ҳам миллий дастур ишлаб чиқилди ва бу вилоят ҳокимининг қарори билан маъқулланди.**

Бу дастурлар ва қонунлар атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашга алоқадор бўлган барча ташкилотлар қатори вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси жамоаси зиммасига ҳам катта вазифалар юклади. Уни бажариш учун чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Жамоамиз ўз фаолиятида табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг амалга оширилиши устидан қатъий назорат ўрнатишга, масъул шахсларнинг жавобгарлигини ошириш ва қонунни бузаётган корхона, ташкилот, муассаса ва хўжалик раҳбарларига нисбатан кескин чоралар кўришга алоҳида эътибор бермоқда. Кейинги йилда бизнинг қўмитамиз ва унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан 573та корхона ва ташкилотларда 737та текшириш ўтказилди. Ушбу тадбирлар Республика назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш тасдиқлаган режажадвалларига мувофиқ олиб борилди.

Текширув натижалари шуни кўрсатдики, ҳали ҳам кўпчилик корхона ва ташкилотларда табиатни муҳофаза қилиш қонунлари ва дастурларини амалга оширишга етарли эътибор берилмаяпти. Ваҳоланки, табиатни муҳофаза қилиш бу инсонни, унинг саломатлигини муҳофаза қилиш демакдир. Инсон саломатлиги эса катта бойлик ҳисобланишини таъкидлаб ўтишга ҳожат ҳам бўлмаса керак.

Атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашда ачинарли аҳволга йўл қўйган раҳбар ходимлар жазоландилар. Чунончи, 318 нафар мансабдор масъул шахсларга нисбатан турли миқдорда жарима солинди. Улар жаъми 931,2 минг сўмни ташкил этди ва тўла ундириб олинди. Табиатни муҳофаза қилиш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган қатор корхона ва иншоотларнинг иши тўхтатиб қўйилди. 10та корхона, 453та автотраспортнинг атроф-муҳитни меъёрдагидан бир неча бор ортиқ ифлослантираётгани учун ишлаши ман қилинди. Текширишлар жараёнида аниқланган интизомсизликларни бартараф этиш учун 4,5 мингдан ортиқ огоҳлантириш берилди, уларнинг 70 фоизи бажарилди.

Кейинги йилда 28та корхонада табиат муҳофазасига хизмат қилувчи 33та иншоотларни қуриш режалаштирилган эди. Бунинг учун 753 миллион сўм маблағни ўзлаштириш назарда тугилди. Бу режа анча ортиғи билан бажарилди. Ҳаммаси бўлиб амалда 900 миллион сўмлик маблағ ўзлаштирилди. Юзаки қараганда, ишлар кўнгилдагидек бўлиб туюлади. Лекин, режада белгиланган иншоотларнинг айримлари қурилмай қолди. Шундай корхоналар жумласига Бекобод металлургия комбинати, Чирчиқдаги Электрокимёсаноат ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон иссиққа чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинати, Оҳангарон ва Бекобод цемент корхоналари, Ангрен кўмир разрези ва бошқалар киради. Уларда табиатни муҳофаза қилиш юзасидан яхши тадбирлар белгиланади. Лекин, уларнинг амалга ошмай қоладиганлари ҳам кўп бўлади. Ваҳоланки, бу корхоналарда бунинг учун етарли куч ва маблағ бор. Кўпгина корхона раҳбарлари молиявий аҳвол оғирлигига қарамай, экологик вазиятни яхшилаш мақсадида ташкилий-техникавий тадбирларни муваффақиятли амалга оширмоқдалар. Улар бу ишга 200 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфладилар.

Лекин, шуни очиқ эътироф этиш кераки, кўрилган чораларга қарамай, атмосфера ҳавосига чиқарилаётган зарарли моддалар ва сув ҳавзаларига ташланаётган ифлос оқавалар миқдорини камайтиришда сезиларли силжишга эришилмаяпти.

Қўмитамиз ва унинг Бўстонлиқ, Паркент туманлари бўлимлари республика Вазирлар Маҳкамасининг «Чимён-Чорвоқ зонаси табиий бойликларини сақлаш ҳамда ҳудудни ўзлаштиришга комплекс ва изчиллик билан ёндошишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори амалга оширилишига ҳисса қўшишга даъват этилган. Шу йўлда бошқа мутасадди ташкилотлар билан биргаликда бу зона ҳудудида қурилиш олиб бориш тўғрисида илгари қабул қилинган қарорлар қайтадан кўрилиб, зарур бўлган тақдирда иншоотлар эгалари билан биргаликда уларни қайта жойлаштириш масаласи кўриб чиқилмоқда. Айниқса, Чорвоқ сув омбори соҳилларида экологик вазиятга зарар етказувчи ва сувни ифлослантирувчи, ўзбошимчалик билан қурилган иншоотларни бузиб ташлаш масаласи белгиланган тартибда ҳал қилинмоқда. Чимён-Чорвоқ ҳудудида экологик вазиятга зарар етказадиган ҳар қандай саноат, қишлоқ хўжалиги иншоотлари қурилишини тўхтатиш чоралари кўрилмоқда.

Қўмитамиз ва унинг жойлардаги бўлинмалари олиб бораётган ишда ютуқлар қатори катта камчиликлар ҳам бор. Биз камчиликларни бартараф этиш ва вилоятимиз табиатини мусаффолигини яхшилаш, унинг ноёб бойликларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизни янада кучайтирамиз. Бу ишда кенг жамоатчиликка суянамиз.

***Маҳмуд МЎЙДИНОВ,***
***вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг масъул ходими.***

# «ДОЙЧЕ БАНК» ЎЗБЕКИСТОНДА

Шу кунларда Ўзбекистонда «Дойче банк ЛГ»нинг банк бошқаруви аъзоси, доктор фон Хайдебрек раҳбарлигидаги делегацияси меҳмон бўлиб турибди.

17,4 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги сармояга ва 843,7 миллиард долларга тенг активларга эга бўлган «Дойче банк» жаҳондаги йирик банклардан бири, халқаро молиявий бизнес етакчиси ҳисобланади. Ушбу банк Ўзбекистоннинг ҳам асосий ҳамкорларидан биридир. 1993 йилнинг 7 сентябрида у етакчи хорижий банклар ичида биринчилардан бўлиб Тошкентда ўз ваколатхонасини очган. Ушбу молиявий институт мутахассислари республикамиз ҳукуматига миллий валютага ўтиш истиқболларини баҳолашда ёрдам кўрсатган.

Ҳамкорлик йиллари мобайнида «Дойче банк» орқали 300 миллиондан ортиқ немис маркаси миқдоридаги лойиҳалар молияланган. Ҳозирги кунда банк Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор соҳаларидаги йирик инвестициявий лойиҳаларни кредитлашда иштирок этмоқда, шунингдек, мамлакатнинг ташқи савдо операцияларини молияламоқда. «Дойче банк» мамлакат молия сектори учун малакали мутахассислар тайёрлашда катта ёрдам кўрсатмоқда.

*(ЎзА).*

*Мурувват*

# МУҲТОЖЛАРНИ ҚЎЛЛАШ — УЛУҒ САВОБ





**ҲАЁТДА нималар бўлмайди дейсиз. Инсон Оллоҳ томонидан берилган бутун умри давомида бахту қувонч ва турли рўшноликлар билан бир қаторда турмушнинг турфа нохуш синов ва имтиҳонларига, баъзан эса аёвсиз зарбаларига ҳам дуч келади. Кимдир кексайганида ёлғизланиб қолади, тақдир тақозоси билан қариялар уйидан паноҳ топади. Яна кимдир бахтсиз тасодиф ёки оғир хасталик оқибатида ногирон бўлиб қолади.**

Оллоҳга шукурлар бўлсинки, ҳаётда азият чеккан бундай инсонлар бизнинг юртда эл назаридан ҳеч қачон четда қолмаганлар ва қолмайдилар ҳам. Ўз атрофидагиларга, айниқса, ночору муҳтожларга, ногирону беморларга, етим-есирларга меҳр-оқибат ва мурувват кўрсатиш ўзбек халқининг энг улуғ фазилатларидан биридир.

Комил ишонч билан айтиш мумкинки, Оҳангарон шаҳридаги «Саховат» ва «Мурувват» уйларида истиқомат қилаётган 580 нафар ёлғиз қариялар, ногирон ва оғир асаб хасталигига чалинган ватандошларимиз ҳам эл-юртнинг меҳру саҳоватидан бебаҳра эмаслар. Вилоятимизнинг турли ҳудудларида фаолият кўрсатаётган ўнлаб тадбиркору ишбилармонлар, тижоратчию фермерлар ана шу уйларда яшаб, даволанаётган фуқароларни мунтазам йўқлаб, моддий ва маънавий қўллаб, тинимсиз ҳомийлик қилиб келмоқдалар.

Яқинда «Саховат» ва «Мурувват» уйларида навбатдаги савобли тадбир ўтказилди. Вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси ташаббуси билан ёлғиз кексалар, ногирон ва беморларга турли-туман дала ва боғ ноз-неъматлари ҳадя этилди. Чунончи, Тошкент, Қибрай, Паркент ва Оҳангарон туманларининг саҳийқалб деҳқон ва боғбонлари Оҳангарон шаҳрига олтита юк машинасига ортилган 23 тонна мева ва сабзавот маҳсулотлари, юзлаб шиша банкаларда мева шарбатлари, шунингдек, бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини жўнатдилар.

«Саховат» уйи раҳбари Малика Қўчқорова, «Мурувват» уйи раҳбари Шуҳрат Содиқов ана шу совғаларни қабул қилиб олишар экан, шу ерда ҳозир бўлган ёлғиз қариялар, ногирон ва беморлар беихтиёр, кўзларида миннатдорлик ва севинч ёшлари билан дуога қўл очдилар.



Вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғи Анвар Тўлаганов «Саховат» ва «Мурувват» уйларида умргузаронлик қилаётган барча ёлғиз қариялар, ногирон ва беморлар номидан ҳомийларга миннатдорчилик изҳор этди. Шу билан бирга вилоятимизда бағри кенг, қўли очиқ деҳқонлар, савобталаб кишилар бор экан, бундай инсонпарварлик ёрдамлари давом этавериши муқаррар эканлигини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, ижтимоий таъминот бошқармаси ташаббуси билан республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 7 декабрдаги 520-қарорига жавобан йил давомида ўнлаб хайрия тадбирлари амалга оширилди. Жумладан, шу кунгача вилоятимиз бўйича ёлғиз қариялар, ногирон ва оғир беморларга жами 20 миллион сўмликка яқин турли хил моддий ёрдам кўрсатилди.

Бундан ташқари «Саховат» ва «Мурувват» уйларида яшаётганларга шу йилнинг ўтган даври мобайнида 11 миллион сўмлик кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

***Ўз мухбиримиз.***

**СУРАТЛАРДА: хайрия совғаларини топшириш жараёни.**

***Дилшод АҲМЕДОВ олган суратлар.***

*Имом ал-Мотуридийнинг 1130 ва Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг 910 йиллигига*

**Тўйга тўёна билан бориш халқимизнинг азалий одати. Буюк алломаларимиз Имом ал-Мотуридийнинг 1130 ва Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг ҳижрий 910 йиллик муборак тўйларига атаб турли китоблар чоп этилмоқда, ҳужжатли ва бадиий фильмлар яратилмоқда, анжуманлар ўтказилмоқда. «Ал-Мотуридий ҳаёти ва мероси», «Бурҳониддин Марғиноний ва фиқҳ илми» китоблари тарихимизни севиб ўрганувчиларга бир олам маълумот бера олиши билан ҳам диққатга сазовор.**

# КАЛОМ АСОСЧИСИГА БАҒИШЛАБ




Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходими, ёш ва изланувчан олим Шовосил Зиёдов имом ал-Мотуридийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишга бел боғлаб, хайрли ишга қўл урди. Мухтасар бўлса ҳам, у ўз рисоласида калом илмининг асосчиси ҳақида бир қадар чуқур маълумотлар беришга эриша олган.

Китобнинг муқаддимасида қайд этилганидек: «Калом илми ҳам Мовароуннаҳрда юксак даражада ривожланган диний илмлардан биридир. Бу борада ҳанафийча мактаби негизида шаклланган Мотуридиййа калом мактабини айтиб ўтиш лозим. Ушбу мактабнинг асосчиси Самарқандда яшаб ижод этган ватандошимиз Абу Мансур ал-Мотуридийдир». Шундан сўнг муаллиф калом илми ҳақида қисқача маълумот бериб ўтади. Калом илми нима, унинг пайдо бўлишига туртки бўлган омиллар, турли диний оқимларга қарши калом илми соҳиблари бўлган мутакаллимларнинг олиб борган кураши ҳақида атрофлича тўхталади. «Абу Мансур ал-Мотуридий даври ва ҳаёти» бобида китобхон ўзи учун зарур манбаларга эга бўлади. Шовосил Зиёдов тиришқоқлиги, ҳар бир масалага ижодий ёндошуви туфайли буюк мутакаллимнинг ҳаётидаги муҳим нуқталар ҳақида сўз юритади, илми каломнинг Мотуридийгача бўлган аҳволи ҳақида муфассал баён қилишга интилади. Шу тариқа ўқувчи тафаккурида калом илми ҳақида тўлиқ тасаввур уйғонади.

Рисоланинг ал-Мотуридий асарлари бобида буюк алломанинг барча китоблари тилга олинади. Энг муҳим деб саналган «Китоб ат-Тавҳид», «Таъвилот аҳл ас сунна» ҳақида кенг тушунча берилади. Шарқ ва Ғарб олимларининг ушбу асар ҳақидаги қимматли фикрлари ҳам келтирилади. «Ал-Мотуридий таълимоти ва Мотуридиййа мактаби» бобида муаллиф бобокалон алломанинг асос солган илми калом мактаби, унинг ривожи, мактабга алоқадор олимлар хусусида ёзади. Хулоса қилиб айтганда, ўзбек халқи ўзининг фарзанди машҳур олим ал-Мотуридий билан фахрланади. Ушбу китоб Имом Абу Мансур ал-Мотуридийнинг муборак ҳаёти ва ижоди ҳақидаги илк тадқиқотлардан бири эканлиги билан ҳам аҳамиятга эга. Академик Музаффар Хайруллаев масъул муҳаррир бўлган бу рисолани Абдулла Қодирий номли «Халқ мероси» нашриёти чоп этган.

# ФИҚҲ ИЛМИНИНГ СУЛТОНИ




Яқин-яқинларгача кўплаб буюк алломаларнинг номини билардигу, яратган асарларидан бехабар эдик. Бугун Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг фиқҳ – ислом ҳуқуқшунослигида тенги йўқ уламо эканлигини, унинг ўндан зиёд нодир китоблари борлигини, «Ал Ҳидоя» фиқҳ бобида мукаммал қўлланма эканлигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Буюк ватандошимизнинг ҳаётига бағишланган китоблардан бири «Адолат» нашриётида чоп этилган Суръат Исҳоқовнинг «Бурҳониддин Марғиноний ва фиқҳ илми» китобидир. Ушбу китоб тўрт қисмдан иборат. Унинг биринчи «Ҳанафий» мазҳаби бўйича фиқҳ илми асослари» қисмида ҳанафий мазҳаби, унинг асосчиси Имом Аъзам Абу Ҳанифанинг ҳаёти, ҳазратнинг усулул фиқҳ ҳақидаги қарашлари, Абу Ҳанифа раҳматуллоҳу алайҳнинг асарлари ва шогирдлари ҳақида батафсил сўз юритилади. Китобнинг иккинчи қисми «Бурҳониддин Марғиноний – ҳанафий мазҳабининг Мовароуннаҳрдаги буюк намояндаси»деб аталади. Ушбу асосий қисмда муаллиф Марғинонийнинг исму насаблари, устозлари, аллома ҳатм қилган асосий фиқҳий асарлар, унинг фиқҳ бобидаги беқиёс даражаси, «Ҳидоя»нинг шоҳ асари эканлиги хусусида ҳикоя қилади. «Ал Ҳидоя»нинг хусусиятлари, унга ёзилган шарҳларнинг рўйхатини келтиради. Учинчи қисм эса бевосита «Ҳидоя»дан олинган намуналардан ташкил топган. Унда вақф, савдо-сотиқ, васият, қасам, жиноят ва жазо ҳақидаги фиқҳий ҳукмларни ўқиб, «Ҳидоя» чиндан ҳам ўз мавқеини ҳозиргача йўқотмаганига ишонч ҳосил қиламиз. Муаллиф илова тарзида фиқҳий атамаларга изоҳлар, «Ҳидоя»да номи зикр этилган фақиҳ олимлар, ҳанафий мазҳабининг Мовароуннаҳрдаги буюк намоёндалари ҳақида маълумотлар келтиради.

Суръат Исҳоқов ўз китоби устида жиддий ва қунт билан ишлаганини алоҳида таъкидлаш керак. Китобга сўзбоши ёзган Республика инсон ҳуқуқлари миллий маркази директори, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор Акмал Саидов таъкидлаганидек «Муаллиф дунёвий ва диний илмлар соҳиби бўлиб, асарни бевосита бирламчи араб тилидаги манбалар асосида ёзган». Ушбу рисола аллома Бурҳониддин Марғинонийнинг бой ижодий меросини ўрганишдаги илк дебочадир.

***Темур УБАЙДУЛЛО.***

*Хотира*

# ЙИЛЛАР СОҒИНЧИ



**Ҳар сафар архив тахламлари ичида халқ таълими соҳасига тааллуқли ҳужжатларни ўрганганимда, онажонимнинг бир неча йилдан буён ҳануз орзулигича қолиб келаётган ниятлари хаёлимни эгаллайди. Онам эллик йил муқаддам ўқитган ва тўғри йўлга бошлаган ўқувчиларини кўп эслайдилар. Улар волидам юрагида умрбод муҳрланиб қолган.**

1948 йил Оҳангарон туманидаги 1-ўрта мактабга ўқитувчи бўлиб ишга келган Бибинур Сунгатуллинага ўша мактабнинг 11-синфи билан ишлаш, уларга билим бериш топширилди. Бу синф ўқувчилари асли меҳрибонлик уйининг болалари бўлиб, жуда шўх эканликлари боис, бу синфда дарс ўтишга ҳеч кимнинг юраги дов бермас, шунинг учун ҳам уни янги ўқитувчига беришганди.

Онам илгари ҳам меҳрибонлик уйларида ишлаганликлари учун бу болалар билан қандай тил топишишни билар, чиқишиб кетишларига кўзлари етган эди. Чиндан ҳам сабр-тоқат ва тинимсиз изланишлар билан йўғрилган оғир ўқитувчилик меҳнати самараси сифатида бу синф ўқувчилари кўп ўтмай ўзининг одоби, билими билан ном қозонадилар.

Онам кейинчалик Ангрен шаҳридаги мактабларда ўқитувчилик, раҳбарлик лавозимларида ишладилар. Бир қанча янги мактаблар қурилишида бош-қош бўлдилар. Унинг бу хизматлари бир қанча медаллар ва ёрлиқлар билан муносиб тақдирланди. Ҳозир маориф аълочиси деган ном билан кексалик гаштини сураяптилар. Аммо, ўзлари тарбия берган ўша давр ўқувчиларини кўп эслаб, уларнинг кейинги тақдири, ким бўлиб етишганликлари тўғрисида кўп ўйлайдилар. Ўша пайтлардан хотира бўлиб қолган суратга кўп тикиладилар. Шу боис мазкур суратни матбуотда эълон қилиб, газетхонларга мурожаат этиш фикри туғилди.

Мазкур кўҳна суратда ўзини ёки бирор яқинини, ўзига маълум одамни таниганлар Ангрен шаҳрининг Облиқ қишлоғида яшовчи Бибинур ая Сунгатуллинага ёки таҳририятга маълум қилсалар жуда мамнун бўлардик. Зеро, кекса педагог учун шогирдларидан дарак топишдан ортиқроқ бахт бўлмаса керак...

***Алфинур МАДАРОВА, Тошкент шаҳар давлат архиви етакчи мутахассиси.***

## ДУНЁ ЯНГИ АСР бўсағасида
**воқеалар • мамлакатлар • одамлар**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

- БМТ Бош котиби Кофи Аннан Қуддусда амалга оширилган террорчилик ҳаракатини қаттиқ қоралади. Бу террор оқибатида икки киши қурбон бўлган, яна ўн киши жароҳатланган.
- АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайтнинг айтишича, АҚШ ва Шимолий Корея ўртасида ракета дастури бўйича ўзаро мақбул келишувга эришиш мумкин.
- Сантьяго шаҳри апелляция суди Аугусто Пиночет соғлиғини текшириб кўриш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу Пиночетни судга тортилиш хавфидан қутқарди.
- Грузия Адлия вазири Михаил Саакашвилининг айтишича, мазкур вазирликда одамларни турли лавозимларга тайинлаш учун пора олаётган шахслар тўғрисида ахборот берган одамга 5 минг лари (2600 АҚШ доллари) миқдорида мукофот берилади.
- Буюк Британияда «Гиннеснинг рекордлар китоби»га киритилган дунёдаги энг кекса аёл — Эва Моррис Стон шаҳридаги қариялар уйида 115 ёшида ҳаётдан кўз юмди.

## НАВБАТДАГИ ТЎҚНАШУВЛАР

***Ҳиндистоннинг Азамгарх шаҳрида суннийлар билан шиалар ўртасидаги тўқнашув натижасида ўн бир киши ҳалок бўлди. Қирқ киши турли даражада тан жароҳати олди. Маълумотларга кўра, бу тўқнашув шиа мазҳаби вакилининг сунний мазҳабига мансуб савдогарнинг дўконига ҳужум уюштириши натижасида бошланган.***

***Айни пайтда вазият шаҳар маъмурияти назорати остига олинган. Тўқнашув юзасидан жиноий иш қўзғатилган.***

# ШОҲМОТ ТАХТИДА ЯНГИ ТОЖДОР

**Шоҳмот тахтида янги тождор пайдо бўлди. Лондоннинг «Риверсайд студиос» саройида навбатдаги жаҳон чемпионини аниқлаш учун бўлиб ўтган мусобақада Владимир Крамник Гарри Каспаровни мағлубиятга учратиб, шоҳмот оламида улкан шов-шувга сабаб бўлди.**

Бир неча ҳафта давомида бутун дунё шоҳмот ихлосмандларининг диққат-эътибори Лондонда бўлди. 15 йилдан буён шоҳмот тахтига ҳеч кимни яқин йўлатмай келаётган Гарри Каспаровнинг ёш шахматчи Владимир Крамник билан яккама-якка баҳси, ҳақиқатан ҳам, ўта муросасиз ва қизиқарли ўтди. Дастлабки партиялардаёқ тахт даъвогари ўз мақсадининг жиддийлигини намойиш этиб, ташаббусни қўлига олди ва охиригача устунликни ўзида сақлаб турди. Натижада мусобақа охирига етмай туриб, 8,5:6,5 ҳисоби билан ғалабани таъминлаб қўйди. Нафақат сайёрамизнинг энг зўр шоҳмотчилари, балки энг замонавий компютерлар билан беллашувларда ҳам мағлубият нималигини билмаган Г.Каспаров тахтдан тушди.

Мазкур мусобақанинг мукофот жамғармаси 2 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу маблағнинг учдан икки қисми ғолибга, қолгани мағлубга берилади.

Шоҳмот мутахассислари мусобақа бошланган пайтдаёқ Г.Каспаровда ўзига ишончсизлик борлигига эътибор қаратган эди. Кўпчилик қирол ўйинга яхши тайёргарлик кўрмаганини таъкидлади. Г.Каспаровнинг ўзини тутиши, мутлақо кутилмаган юришлари ҳаммани ҳайратга солди. Мисол учун, 13-партияда анча устунликка эга бўлиб турганига қарамай, 14-юришдаёқ рақибига дуранг таклиф қилди. Еттинчи партияда ҳам 11-юришдан кейиноқ муросага келишни маъқул кўрди. Устунликка эга бир пайтда дурангга келишиш Г.Каспаровнинг на ўйин услубига, на табиатига мос келади, дея фикр билдирмоқда мутахассислар.

Баҳсни кузатиб борган мухлислар ҳам, мутахассислар ҳам В.Крамник жуда пухта тайёргарлик кўрганига эътибор қаратди. Ҳақиқатан ҳам, даъвогар тайёргарлик чоғида тажрибали шоҳмотчилардан маслаҳатчилар тўплади. Бунинг устига, бир вақтлар Г.Каспаровга ёрдамчилик қилганида унинг ўйин услубини ҳам яхши ўрганиб олган. Бу омиллар бўлғуси жаҳон чемпионининг шоҳмот тахтаси устида рақибини кўп марта ўйлантириб қўйишига олиб келди.

Шоҳмотнинг янги қироли Владимир Крамник 1975 йил 25 июнда Россиянинг Туапсе шаҳрида туғилган. 1992 йилда гроссмейстерлик даражасига эришган. Унинг профессионал рейтинги 2745, ФИДЕ таснифидаги рейтинги эса 2770га тенгдир. В.Крамник талай халқаро мусобақаларда ғолиб чиққан, совриндорлар сафидан жой олган.

Лондонда ўтказилган мусобақанинг Халқаро шоҳмот федерацияси - ФИДЕга умуман алоқаси бўлмаганини эслатиб ўтиш керак. Бу ташкилот билан Гарри Каспаров ўртасидаги келишмовчилик сабабли шоҳмотчилар ўртасида ҳам бўлиниш юз бергани яхши маълум. Баъзилар профессионал шоҳмотчилар уюшмасига ўтган бўлса, баъзилар ФИДЕда қолишни афзал билган. Шунга қарамай, айни пайтда дунёнинг энг кучли шоҳмотчилари ҳар икки ташкилот ўтказаётган мусобақаларда бирдек қатнашиб келяпти.

ФИДЕ бир вақтлар Гарри Каспаровни жаҳон чемпиони сифатида тан олмаган эди. Шу боис у Владимир Крамникнинг ҳам ғалабасини тан олиши даргумон. Сабаби — ФИДЕ айни пайтда ўз чемпионига эга. У россиялик гроссмейстер Александр Халифмандир. Шундай бўлса-да, Лондонда дунёнинг энг кучли икки шоҳмотчиси баҳс юритганини ҳамма эътироф этади.

Қизиғи шундаки, Лондондаги мусобақанинг 15-партияси ниҳоясига етиб, навбатдаги жаҳон чемпиони маълум бўлганидан сўнг Г.Каспаров ўзининг ўйинга ёмон тайёргарлик кўрганини айтиб, рақибининг устунлигини тан олмади. У реванш ўтказиш ниятида эканини маълум қилди.

***Анвар КАРИМОВ, ЎзА шарҳловчиси.***

## СУВ ТОШҚИНИ ЗЎРАЙМОҚДА

Кучли ёғингарчилик туфайли Италиянинг шимолий қисми жиддий талафот кўрди. Лигурия вилоятида табиий офатдан уч киши ҳалок бўлди. Тарихий обидаларга бой Милан шаҳрини эса буткул сув босди. Хабарларга кўра, айрим мавзелар 1,5 метргача сувга ботган.

Алп тоғи атрофидаги туманларда ҳам аҳвол оғир. Тошқин зўрайиши сабабли Милан-Женева темир йўл магистрали, бир қанча автомобиль йўллари, Франция ва Швейцарияга ўтиладиган довонлар ёпиб қўйилган.

## МАҚСАД — ҚАРЗДАН ҚУТУЛИШ

АҚШ президенти Билл Клинтон хорижий давлатларга молиявий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қонун лойиҳасига имзо чекди. Мазкур ҳужжатда қайд этилишича, ҳукумат бунинг учун 14,9 миллиард доллар ажратади. Шундан 810 миллиони МДҲ мамлакатларига ёрдам кўрсатиш дастурларини амалга оширишга сарфланади. Шунингдек, дунёдаги йигирмата иқтисодий ночор давлатга ташқи қарзлардан қутулиш учун 435 миллион доллар берилади.

## ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТНИНГ ИЛК УЧРАШУВИ

Югославия Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотига (ЕХҲТ) аъзо бўлмоқчи. ЕХҲТнинг амалдаги раиси, Австрия ташқи ишлар вазири Бенита Ферреро-Валднер билан янги сайланган президент Воислав Коштуницанинг Белградда бўлган учрашуви чоғида ана шу масала муҳокама этилди. ЕХҲТ раҳбари Югославия ҳукуматининг расмий аризасини қабул қилиб олди. У, шунингдек, В.Коштуницани ЕХҲТ давлатлари ташқи ишлар вазирларининг 27-29 ноябрь кунлари Венада бўладиган йиғилишига таклиф этди. Югославия ана шу йиғилиш чоғида ЕХҲТ сафига қабул қилиниши эҳтимолдан холи эмас.

## ШАҲИДЛАРНИНГ АКСАРИЯТИ БОЛАЛАР

Фаластин-Исроил можароси қурбонлари сони иккитага кўпайди. Қуролли тўқнашувлар давом этаётган Тулкарм шаҳри яқинида 15 ёшли фаластинлик бола Исроил аскарлари томонидан отиб ўлдирилди. Ғазо минтақасидаги Кфар-Дарум шаҳарчасида ҳам бир араб ҳалок бўлди. Сентябрь ойи сўнгида бошланган қонли можаро туфайли ҳозирга қадар жами 175 киши ҳаётдан кўз юмди, уларнинг аксарияти араблардир.

## НАВБАТДАГИ ТЕРРОРЧИЛИК ҲАРАКАТИ

Колумбиянинг Кали шаҳрида навбатдаги террорчилик ҳаракати содир этилди. Автомобиль портлаши натижасида бир киши ҳалок бўлди, олти киши яраланди. Маҳаллий полиция бу жиноятни Миллий озодлик армияси (МОА) амалга оширган, деб айтмоқда. Чунки, сўнгги пайтларда ҳукумат армияси МОА жангариларига қарши курашни кучайтирган.

## ДУНЁНИНГ турли ГЎШАЛАРИДА

Британиялик Алекс Селби бир соат ичида бадавлат одамга айланган бўлсада, ўзини омадсиз ҳисоблайди. У дунёда биринчи бўлиб «Этернити» номли супербошқотирмани ечди ва муаллифнинг бир миллион фунт стерлинглик мукофотига сазовор бўлди. Бироқ узоқ йил ишсиз юрган математик А. Селби бунча пулни нимага сарфлашни билмай боши қотиб юрибди.

* * *

Германиялик супермоделлар – Клаудиа Шиффер ва Кайди Клум Гиннеснинг рекордлар китобига киритилди. Клаудиа Шиффер дунёдаги энг кўп ҳақ олаётган манекенчи ҳисобланмоқда. Ўтган йили у 16 миллион немис маркаси миқдорида даромад қилган. Мальоркадаги ҳовлиси ва Лондон марказидаги уйини қўшиб ҳисоблаганда, унинг молдавлати 120 миллион немис маркасидан ошади.

* * *

Бир маҳаллар Мисрда ҳукмронлик қилган Клеопатра гўзал, ақлли ва мафтункор бўлгани маълум. Энди эса у яхшигина саводга ҳам эга бўлгани тасдиқланди. Берлиндаги Миср музейида афсонавий Клеопатранинг дунёдаги ягона автографи намойиш қилинмоқда.

***(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).***

